



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 16 сентябрь, № 192 (9363)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ: ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига давлат таширифи доирасида 15 сентябрь куни Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чо Чжон Шик, Бош вазир Хан Сон Сук, Кореянинг йирик компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари ҳамда ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошлар билан учрашди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Корея бизнес форумининг очилишида нутқ сўзлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дастлаб Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чо Чжон Шик билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклик муносабатларини илгари суришда икки мамлакат парламентлари муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Парламентлараро “дўстлик гуруҳ-

лари” фаол иш олиб бормоқда, парламент делегацияларининг мунтазам таширифлари амалга оширилмоқда, қонун чиқарувчи органларнинг тегишли қўмиталари ўртасида самарали таъриба алмашинуви йўлга қўйилган.

Миллий Ассамблея ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмагида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккала палатасида “Элек-

трон парламент” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Олий даражада эришилган, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш бўйича келишувларнинг амалга оширилиши устидан парламент мониторингини таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик механизмини яратиш зарурлиги таъкидланди. Учрашув якунида 2027 йилда Ўзбе-

кистон ва Корея ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги муносабати билан “парламент дипломатияси” йўналишида бир қатор тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳридаги ўзига ажратилган қароргоҳда Корея Республикаси Бош вазири Хан Сон Сукни қабул қилди. Алоҳида стратегик шериклик муно-

сабатларини савдо-иқтисодиёт, инвестициялар, технологиялар, транспорт-логистика соҳаларида янада мустаҳкамлаш масалалари қўриб чиқилди.

Инновацион-технологик ҳамкорликни чуқурлаштиришга устувор аҳамият қаратилди.

Савдо, молия ва инвестиция, рақамли иқтисодиёт ҳамда киберхавфсизлик соҳаларида, Кореянинг илгор технологиялари ва Ўзбекистоннинг

хомашё базасидан фойдаланган ҳолда муҳим минералларни қайта ишлаш борасида, шунингдек, транспорт ва темир йўл инфратузилмаси ҳамда ҳудудлараро алоқалар йўналишларида шериклик истиқболлари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

46-БУТУНЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Хурматли Олимпиада иштирокчилари! Азиз меҳмонлар!

Дунё шахмат спортининг ёрқин намоёндалари бўлган сиз, азиятларни қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон заминидан илк бор ўтказилаётган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ёр юзидаги 200 дан зиёд мамлакатдан ташириф буюрган таниқли гроссмейстерлар, мураббийлар ва шахмат илосмандлари иштирок этаётган ушбу нуфузли спорт анжумани уч минг йилдан ортиқ тарих ва маданият намуналарини ўзида мужассам этиб келаётган кўҳна Шарқ дурдонаси — азим Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани байрам шуқуҳини янада оширмоқда. Ва ўйлайманки, сизлар ҳам буни сезиб, ҳис қилиб турибсиз.

Бугун бамисоли дунё шахмат спорти пойтахтига айланган бу улуг шаҳарга, жо-нажон Ўзбекистонимизга хуш келибсиз!

Қадрли дўстлар!

Энг қадимий интеллектуал спорт ўйинларидан бири бўлган шахмат бизнинг мамлакатимизда ҳам ўзининг шонли ўтмиши, мактаб ва аъёнчаларига эга.

Айниқса, мана шу Самарқанд шаҳрини ўзи асос солган буюк давлатнинг пойтахти ва Иккинчи Ренессанс марказларидан бирига айлантирган Сохибқирон Амир Темур нафақат стратегик фикрлайдиган енгилмас саркарда, балки моҳир шахмат устаси ҳам эди.

Буюк аллома боболаримиз — Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо

Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий ва бадий асарларида шахматнинг инсон маънавий камолотидаги ўрни алоҳида таъкидланган.

Биз, ана шундай тарихий аъёнчаларга содиқ қолган ҳолда, Янги Ўзбекистонда бошқа спорт турлари қатори шахматни ҳам “оммавийликдан — профессионализмга” тамойили асосида энг куйи бўгин — маҳалладан тортиб, таълим муассасаларига қаратилган яхлит тизим шаклланимоқда.

Бугунги кунда шахмат билан оммавий шуғулланувчилар 2 миллион нафардан, рейтингга эга бўлган профессионал шахматчиларимиз сони эса 6 минг нафардан зиёдни ташкил этмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда халқаро гроссмейстер унвонига эга бўлган 32 нафар шахматчимиз борлигини фахр билан қайд этамиз.

Этиборли жиҳати шундаки, 5 нафар етакчи шахматчимиз жаҳон рейтингидagi “энг кучли юзталик”дан мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон эркаклар жамоаси ФИДЕ рейтингда 204 та давлат орасида 8-ўринга, аёллар жамоаси эса 20-ўринга кўтарилгани ҳам диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз тарма жамоасининг 2022 йилда 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ғолиби бўлгани, 2024 йилги Олимпиадада совриндорлар сафидан жой олгани, истеъдодли гроссмейстерларимиз

нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётгани, ҳеч шубҳасиз, миллий шахмат спорти-миз тарихида янги саҳифалар очмоқда.

Айниқса, навқирон гроссмейстеримиз Жавоҳир Синдоровнинг жаҳон чемпионлиги учун даъвогарлар турнирида ғолиб бўлиб, жаҳон кубогини қўлга киритгани, Нодирбек Абдусатторовнинг блиц бўйича жаҳон чемпионатида қумуш медалга сазовор бўлгани, ёш шахматчиларимиз халқаро чемпионатларда юксак ўринларни эгаллаётгани бизга чексиз гурур бағишлайди.

Муҳтарам меҳмонлар! Ўзбекистонга 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига мезбонлик қилиш ҳуқуқи берилганини биз халқаро спорт ҳамжамиятининг юртимизга бўлган юксак ишончи сифатида қабул қиламиз.

Самарқанд олимпиадаси қизгин беллашувлар, юксак спорт маданияти, ҳалоллик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади ва дунёга янги чемпионлар ва ёрқин истеъдодларни тақдим этади деб ишонаман.

Айни вақтда бу ерда 3-пара шахмат олимпиадаси ва 97-ФИДЕ конгресси юкори савияда ўтказиш бўйича ҳам барча шароитлар яратилди.

Бу борадаги катта ташкилий ва амалий кўмаги, яқин ҳамкорлиги учун Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) раҳбарияти ва жамоасига, шунингдек, барча ҳамкор ташкилотларга самимий миннатдорлик билдираман.

Ишончим комил, мазкур йирик спорт анжуманлари дунё халқлари ўртасида

дўстлик ва ҳамжихатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Улар Ўзбекистонда шахматни янада оммалаштириш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ва мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қадрли дўстлар!

Бундай йирик мусобақалар бизнинг халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, улкан маҳорат мактабига айланиши, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик диёри сифатидаги халқаро обрў-этиборини янада оширишига аминман.

Бугунги олимпиада дунё ёшларига муҳим бир ҳақиқатни намоён этмоқда: инсониятнинг умумий келажаги куч эмас — ақл ва билим, адоват эмас — дўстлик ва ҳамжихатлик, бефарқлик эмас — эзгу мақсадлар йўлидаги қатъият асосида бунёд этилади.

Спорт қандай буюк куч, қандай юксак намуна эканини бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган сиз, ҳурматли спортчилар, фахрийлар, устоз ва мураббийлар яхши биласиз.

Ана шундай ғоят масъулиятли ва шарафли ишда фаол иштирок этиб келаётган сиз, азиятларга мустаҳкам соғлик, барча жамоаларга юрак ва омадлар, конгресс ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Барчангизга зафар ёр бўлсин, Ўзбекистонга хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон — Қозоғистон: ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Спикер Нуриддин Исмоиловнинг Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги янги тайинланган Фавқуллодда ва мухтор элчиси Ерли Тўжанов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув

Мулоқотда кейинги йилларда давлат раҳбар-

ларининг қатъий сиёсий иродаси ва ўзаро манфаатли ҳамкорликини изчил ривожлантиришга

қаратилган саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани қайд этилди.

ИНСОН КАПИТАЛИ ВА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат таширифи мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқадиغان муҳим тарихий воқелиқдир.

Нуқтаи назар

Давлатимиз раҳбарининг Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён ва бошқа расмийлар билан бўлиб ўтган сермазмун музокараларда товар айланмаси ва инвестициялар кўрсаткичлари изчил ўсиб бораётгани, Ўзбекистонда Корея сармоysi иштирокидаги 700 дан ортиқ қўшма корхоналар муваффақиятли ишлаётгани алоҳида қайд этилди.

Энг муҳим амалий ютуқ — ташириф якунлари бўйича умумий қиймати қарийб 12 млрд. долларлик истиқболли лойиҳалар тўплами шакллантирилгани ҳамда Корея Эқсимбанки билан Стратегик ҳамкорлик дастурининг қабул қилиниши бўлди. Бу кўрсаткичлар Жанубий Корея ишбилармон доираларининг Янги Ўзбекистондаги илосотлар ва барқарор иқтисодий муҳитга бўлган юксак ишончидан далолат беради.

Президентимиз Корея Республикаси билан ҳамкорликини янада кенгайтиришнинг бешта устувор йўналишини белгилаб берди. Булар — савдо алоқаларини қаррали кенгайтириш, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмини ошириш, муҳим минераллар (ноёб ер металлари) соҳа-

сида узоқ муддатли саноат занжирини яратиш, транспорт-логистика алоқаларини диверсификация қилиш, инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш.

Бугунги глобал иқтисодий ўзгаришлар даврида чиплар, электромобиллар ва замонавий саноат учун зарур бўлган муҳим электр жиҳозларини биргаликда ишлаб чиқариш иккала давлатнинг глобал бозордаги рақобатбардошлигини оширади. Ташириф арафасида мамлакатларимиз тарихида илк бор ўтказилган Худудлараро форум пойтахтлар даражасидан вилоят ва шаҳарлар даражасигача тўғридан-тўғри ҳамкорлик кўпригини ўрнатади. Ушбу муҳим аъёнанинг кейинги манзили сифатида Самарқанд шаҳри белги-лангани алоҳида рамзий ва амалий аҳамиятга эга.

Икки мамлакат етакчиларининг мулоқотида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги инвестициялар ва савдо ҳажми сезиларли даражада ортаётгани, бироқ ҳамкорликини янада ривожлантириш салоҳияти чексиз экани алоҳида таъкидланди. Биргаликда амалга оширилаётган муҳим лойиҳалар бунинг яққол исботидир.

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Тошкент шаҳрининг Олмасор туманидаги 441-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотиди “Мактабгача таълимда миллий тарбия модели — келажақ авлод тарбиясининг стратегик йўналиши” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбир

Унда сенаторлар, Мактабгача ва мактаб таъли-

ми вазирлиги, ҳудудий ва туман бўлимлари раҳбарлари ҳамда таълим соҳаси мутасаддилари қатнашди.

Семинарда таълим ва тарбия соҳасида амалга оширилаётган илосотлар, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, мактабгача таълимдан бошлаб узлуксиз миллий тарбия тизимини шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.



ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кейинги йилларда мамлакатимизда таълим олиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайганини алоҳида эътироф этиб, эндиликда таълим ва тарбия сифатида ўзгаришларга эришиш муҳим эканини таъкидлади.

Миллий тарбия модели оддий тарбиявий тадбирлар мажмуи эмас, балки мактабгача таълимдан бошлаб умумий ўрта, профессионал ва олий таълим босқичларигача давом этадиган ягона, изчил ва узлуksиз тизим ҳисобланади. Унда Ватанга муҳаббат ва миллий ўзликни англаш, маънавий-ахлоқий фазилатлар ва ҳалоллик, инсон қадр-қиммати-га ҳурмат, зўравонликка муросасиз муносабатда бўлиш, оилавий қад-

риятлар, соғлом турмуш тарзи, ҳуқуқий маданият, мустақил фикрлаш, меҳнатсеварлик, жамиятга дахлдорлик, табиат ва атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш каби устувор йўна-лишлар қамраб олиниши назарда тутилмоқда.

Мактабгача ва мактаб таълими вазири Э. Каримова “Ватанпарвар, миллатпарвар, билимли, интизомли, ташаббускор ва Ватан тақдирига дахлдор авлодни тарбиялаш” шиори остида ишлаб чиқилган, 3 дан 18 ёшгача бўлган болаларни қамраб оладиган узлуksиз Миллий тарбия моделининг моҳияти ва стратегик аҳамияти ҳақида ахборот берди.

Мазкур лойиҳа Мактабгача ва мак-

таб таълими вазирлиги томонидан Сенат мувофиқлаштируви асосида ташкил этилган махсус ишчи гуруҳ томонидан маромига етказилмоқда.

Миллий тарбия моделини самарали жорий этиш учун педагоглارни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларни замонавий методика ва сифатли миллий контент билан таъминлаш, ота-оналар, маҳалла ва жамоатчилик билан ҳамкорлиқни кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Тадбир доирасида семинар иштирокчилари мактабгача таълим ташкилотининг янги қурилган бинолари билан танишди. Шунингдек, “Ўзбек тилини йўнаб ўрганамиз” платфор-маси тақдироти ҳам ўтказилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Қозоғистон: ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Икки давлат ўртасида им-золанган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги декларация ҳамда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома қардош мамлакатлар муносабатларини изчил ривожлантириш, кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўз навбатида, Ерали Тўғжанов самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда охириги ўн йилда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юксак баҳолади.

Элчининг таъкидлашича, сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро учрашувлар, парламентлараро ҳамкорлик ва конструктив сиёсий мулоқотнинг муҳим марказларидан бирига айланиб бормоқда. Бу мамлакатнинг очик, прагматик ва ўзаро ишончга асосланган парламент дипломатиясида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Е.Тўғжанов мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро алоқа-лар изчил ва жадал ривожланиб бораётганини таъкидлар экан, давлат раҳбарларининг ушбу йўналишга қаратаётган алоҳида эътибори қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлиқни янги

босқичга олиб чиққанини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси ўртасидаги Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини парламент дипломатияси орқали янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутгани қайд этилди.

Учрашув давомида икки давлат парламентлари ҳамкорлик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИГА ОИД ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАСИ



Олий Мажлис Сенатида муҳокама бўлиб ўтган қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Юқори палатанинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, давлат сирларини муҳофаза қилиш, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва ижтимоий қафолатларини кучайтиришга қаратилган қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Хусусан, “Сафарбарлик тайёр-гарлиги ва сафарбарлик тўғриси-да”ги Қонун билан тинчлик даври-да сафарбарлик тайёргарлигини ташкил этиш, алоҳида даврда дав-лат ва аҳоли эҳтиёжларини таъ-минлаш, умумий ёки қисман са-фарбарлиқни амалга ошириш би-лан боғлиқ муносабатларни ягона ҳуқуқий асосда тартибга солиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, сафарбарлик жараёнида давлат органлари, иқти-содиёт тармоқлари, ташкилотлар ва фуқароларнинг вазифа ҳамда маж-буриятларини аниқ белгилаш, улар-нинг ўзаро ҳамкорлигини самара-ли ташкил этиш масалаларига ало-ҳида эътибор қаратилмоқда.

Қўмита аъзолари “Ҳарбий хиз-матчиларнинг мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғриси-да”ги қонунни ҳам атрофлича кўриб чиқди.

Қонун ҳарбий хизматчиларнинг турли тоифалари, ҳарбий йиғин-ларга жалб этилган фуқаролар, ҳарбий хизматдан захирага олин-ган ёки истеъфога чиқарилган фуқаролар, шунингдек, қонунда белгиланган ҳолларда ҳарбий

хизматчиларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тар-тибга солишга қаратилган.

Энг муҳими, ҳужжат билан ҳар-бий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун белгиланган ҳуқуқлар, ижтимоий қафолатлар ва имтиёзларни таъминлашнинг қо-нуний асосларини мустаҳкамлаш на-зарда тутилмоқда.

Мажлисида “Лицензиялаш, рух-сат бериш ва хабардор қилиш тар-тиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қону-нини 1-моддасига давлат сирла-рини сақлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун ҳам му-ҳокамага тортилди.

Таъкидландики, ҳужжат билан ҳуқуқий бўлиш ва ноаниқликлар-ни бартараф этиш ҳамда давлат сирларини муҳофаза қилишга оид талабларни кучайтириш назарда тутилмоқда.

Муҳокама якунида қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Бельгия Кириллинининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Матис Кенде билан учрашди.

Мулоқот

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги му-носабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда парламент-лараро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш истиқбол-лари муҳокама қилинди.

Эришилган келишувлар-нинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлашда пар-ламентларнинг ўрни муҳим экани қайд этилди. Пар-ламентлараро муносабат-ларни кенгайтириш, ҳамкор-лик бўйича гуруҳлар ва пар-ламент қўмиталари ўртаси-даги алоқаларни фаоллашти-риш масалаларига уруғ қаратилди.

Учрашувда савдо-иқтисо-дий ва инвестициявий ҳамкор-лиқни фаоллаштириш масала-лари, хусусан, Бельгия компа-нияларининг Ўзбекистон бозо-ридаги иштирокини кенгайти-риш, технологиялар трансфе-ри ва мутахассислар тайёр-лашни назарда тутувчи сано-ат кооперациясини ривож-лантириш муҳимлиги айтилди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбо-сари Содиқ Сафоев мамлака-тимиздаги дипломатик фао-лиятини яқунлаётган Буюк Британиянинг Ўзбекистонда-ги Фавқулодда ва мухтор эл-чиси Тимоти Смарт билан уч-рашди.

Мулоқот чоғида Ўзбеки-стон ва Буюк Британия ўрта-сидаги кенг қамровли ше-риклик муносабатларининг бугунги ҳолати ҳамда истиқ-боллари эътибор марказида бўлди.

Сўнгги йилларда сиёсий мулоқот, парламентлараро, савдо-иқтисодий, инвести-циявий ва таълим соҳалари-даги ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани қайд этилди. 2024 йилда қабул қилинган Кенг қамровли ше-риклик тўғрисидаги деклара-ция ва жорий йил февраль ойида имзоланган қўшма декларация икки томонлама алоқаларни стратегик ше-риклик даражасига олиб чи-қиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўз навбатида, инфрату-зилма, “яшил” энергетика, муҳим минераллар ва қишлоқ ҳўжалиги каби усту-вор йўналишларда амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.


Таълим соҳасида қўшма дастурларни кўпайтириш, Ўзбекистонда Буюк Брита-ниянинг етакчи университет-лари филиалларини очиш, педагоглар тайёрлаш ва ин-глиз тилини ўқитиш сифати-ни ошириш бўйича ҳамкор-лиқни давом эттириш муҳим-лиги айтилди.

Учрашув якунида томон-

ЧИҚИНДИ МУАММО ЭМАС, АРЗОН РЕСУРС

Сўнгги йилларда мамлакатимизда чиқиндилар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, соҳада замонавий бошқарув тизимини жорий этиш, қайта ишлашни ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиш хизматларининг сифатини яхшилаш, полигонлар фаолиятини тартибга солиш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан энергия олиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фикр



Аслида, чиқиндилар таркибида қайта ишлаш мумкин бўлган пластмасса, қороз, картон, шиша, металл ва бошқа қимматли ресурсларни иқтисодий айлانмага қайтариш орқали бир вақтнинг ўзида ҳам атроф-муҳитга тушадиган сал-би таъсирни камайтириш, ҳам янги иш ўринлари яратиш ва хомаёй ресурсларини тежаш мумкин.

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев чиқиндилар-ни бошқариш тизимини тако-миллаштириш, уларни қайта ишлаш ва электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича инве-стиция лойиҳалари тақдироти билан танишганида шу ҳақда сўз борди.

Чиқиндиларни бошқаришда энг оғирлиқ масалалардан бири — чиқинди полигонлари-нинг ҳолати. Шу сабабли, по-лигонларга чиқинди олиб бо-риб кўмиш амалиётини бос-қичма-босқич камайтириш ва уларни замонавий чиқиндилар-ни бошқариш мажмуаларига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада за-монавий технологияларни жо-рий этиш, чиқиндиларни иқти-содий ресурсга айлантириш ва циркуляр иқтисодиёт тамойил-ларини кенг татбиқ қилиш му-ҳим аҳамиятга эга.

Лойиҳалари амалга оширили-ши назарда тутилган. Натижа-да чиқиндиларни оддий май-ши чикинди сифатида поли-гонларга жойлаштириш ўрнига, улардан самарали фойдаланиш ва иқтисодий қиймат яратиш имкони юзга келади. Йилига 1,9 млн. тонна қаттиқ маиший чикинди қайта ишланиб, 635 млн. кВт-соат электр энер-гияси ишлаб чиқарилиши нафа-қат энергия таъминотига қўшим-ча манба яратди, балки табиий ресурсларга бўлган босимни ҳам камайтиради. Яна бир муҳим масала, лойиҳалар доирасида 500 та янги иш ўрнининг ярати-лиши эса чиқиндиларни бошқа-риш соҳасининг янги иқтисодий фаолият йўналишига айланаёт-ганини кўрсатади.

Энг муҳими, атмосферага чиқариладиган “иссиқхона газлари” ҳажмининг йилига 316 минг тоннага камайтириш иқлим ўзгаришига қарши ку-раиши, экологик хавфсизликни таъминлаш ва мамлакатнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш мак-садларига эришишда муҳим қадам ҳисобланади.

Бу борада яна бир масала-га алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чиқиндиларни бошқа-риш самарадорлигини фақат давлат органлари ёки санитар қозлаш корхоналари фаоли-яти билан таъминлаб бўлмай-ди. Бу жараёнда аҳолининг экологик маданияти ҳал қилу-чи ўрин тутди.

Шунинг учун мактаб, олий таълим муассасаси, маҳалла ва иш жойларида чиқиндиларни камайтириш ва саралаш мада-ниятини шакллантириш бўйи-ча доимий тарғибот ишларини йўлга қўйиш зарур.

Эндиликда соҳада асосий мақсад чиқиндиларни шунчаки йиғиш ва олиб чиқиб кетиш эмас, балки “чиқинди — ре-сурс” тамойилини амалиётга кенг жорий этишдан ибрат бўлмоғи лозим.

Чиқиндилар билан боғлиқ муаммолар ечимида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг иштироки ва жамоатчилик на-зоратини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз сайлов округ-ларида мазкур масалаларни мунтазам ўрганиб, аҳоли му-рожаатларини умумлаштири-ш, масъул ташкилотлар хисо-ботларини эшитиши, аниқлан-ган муаммоларни Кенгаш сес-сиялари ва доимий комиссия-лар муҳокамасига киритиши ҳамда уларнинг бартараф эти-лиши устидан депутатлик на-зоратини амалга ошириши за-рур.

Эркин ОМОНОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Юнусobod тумани Кенгаши депутати.

САМАРҚАНД ЯНА ДУНЁ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Мана бир неча кундирки, Самарқанд жаҳон шахмат байрамига мезбонлик қилмоқда. Аниқроғи 10 сентябрда имконияти чекланган шахматчилар ўртасидаги 3-ФИДЕ шахмат паралимпияси бошланди. Унда кўриш, эшитиш ва жисмоний имконияти чекланган спортчилардан иборат 31 мамлакатдан келган 41 та жамоада 205 нафар шахматчи ўзаро беллашмоқда. Бу ҳам рекорд кўрсаткич бўлиб, иштирокчи жамоалар сони аввалги икки паралимпиададагидан анча ошган.

Шахмат олимпиадаси

15 сентябрь куни “Боқий ша-ҳар” мажмуасидаги амфитеатр-да 46-Бутунжаҳон шахмат олим-пиадасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси Абдулла Арипов, Самарқанд вилояти ҳокими Адиз Бобоев, ФИДЕ пре-зиденти вазифасини вақтинча бажарувчи Вишванатан Ананд, Халқаро шахмат федерацияси масъуллари, хорижий меҳмон-лар ва олимпиада иштирокчилари катнашди.



Тадбирда Ўзбекистон Респу-бликаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 46-Бутунжаҳон шах-мат олимпиадаси иштирокчилари-га йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари ўз табри-гида олимпиада иштирокчилари-га муваффақият тилаб, ушбу ну-фузли мусобақани Ўзбекистонда ўтказишни қўллаб-қувватлаган Халқаро шахмат федерацияси

Тадбирда ФИДЕ президенти вазифасини вақтинча бажарув-чи Вишванатан Ананд сўзга чи-қиб, мазкур мусобақани ўтқа-зишга юқори даражада тайёр-гарлик кўргани учун Ўзбекистон ҳукуматига ўз миннатдорлигини билдирди.

Очилиш маросимида аёллар ўртасидаги 9-жаҳон чемпиони Жу Чен ва 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов рамизий ранг тантанасида катнашди.

Шундан сўнг маросим катта концерт дастури-га уланди.

Шу ўринда айтиш керакки, 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси-нинг илк тур баҳслари 16 сентябрда бошланиб, мусобақа 27 сентябрга қадар давом этади.

Икки йил олдин Вен-грияда ўтказилган 45-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида 380 жамоа катнашган эди. Бу гал Самар-қанда 397 та шахматчилар жа-моаси ўз куч ва салоҳиятларини намойиш этади. Бу 2024 йилда Будапештда ўтказилган олим-пиада рекорди янгиланади дегани.

Мазкур нуфузли олимпиада олдинда ФИДЕ масъуллари, Ўзбекистон шахмат федерация-си вакиллари ҳамда халқаро то-ифадаги шахматчиларимиз иш-тирокида матбуот анжумани ҳам бўлиб ўтди.

Унда ФИДЕ президенти вази-



фасини вақ-тинча бажарувчи Вишва-натан Ананд, Ўзбекистон шахмат федерацияси раисининг бирин-чи ўринбосари Алишер Саъдуллаев, Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси аъзо-си Нодирбек Абдусатторов ва Ўзбекистон аёллар терма жа-моаси аъзоси Гулрухбегим Тоҳиржонова иштирок этди.

Матбуот анжуманида Ўзе-бекистонда шахматнинг бугунги ривожини, 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига тайёргарлик, Ўзбекистон терма жамоаларининг мақсадлари ҳамда мусоба-қанинг аҳамияти юзасидан фикр алмашилди.

Шахмат афсонаси Вишвана-тан Ананд 46-Бутунжаҳон шах-мат олимпиадаси машъаласини ҳамюртимиз, жаҳон кубогини ва Номзодлар турнири голиби, жа-ҳон тожи учун давъогар Жаво-ҳир Синдоровга топширди ва Самарқанддаги мусобақага юқори савияда ҳозирлик қўрил-ганини қайд этди. Шахматчиларимиз ҳам юқори ўринлар ва медаллар учун курашишга ҳозир эканини маълум қилди.

Бутунжаҳон шахмат олимпи-адаси тадбирлари доирасида 26-27 сентябрь кунлари Самар-қанда Халқаро шахмат феде-

Абдулазиз ЙЎЛДШЕВ («Халқ сўзи»).

